




ТОШКЕНТ ОҚШОМ



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСIIY
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 76 (9.420) 2000 йил 28 июнь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз дўстлар!
Авваламбор, барчангизни миллий матбуотимиз байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.
Бу кун нафақат журналистлар, матбаа ва радио-телевидение ходимлари, балки ҳаётимизда эзгу мақсадлар йўлида эришадиган натижаларимизда матбуотнинг ўрни ва маънавий эътироф этадиган ва қадрлайдиган ҳар бир юрtdошимиз учун ҳам муқимдир.
Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришдақ улутвор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғоқликка даъват этадиган доимий ҳамроҳимизга айланди. Бунинг замирида, шубҳасиз, журналистларимизнинг ўз касбига меҳр ва садоқати,

огир ва сермашаққат меҳнати муҳассам.
Бугунги таҳликали замонда ҳар қайси онгли инсон, ёши, касб-кори, лавозимидан қатъи назар, ўзига руҳан яқин, қувончу ташвишлари, дарду гамига шерик бўладиган бир суҳбатдош излайди. Менинг назаримда, матбуотни ана шундай суҳбатдошга қиёслаш мумкин. Айни вақтда шунинг яқини англаб олиш зарурки, бизнинг нозиктаб, кўпни кўрган, доно халқимизга муносиб суҳбатдош бўлиш осон иш эмас. Бу барчамиз, авваламбор матбуот заҳматкашлари учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиши керак.
Инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда ҳаётнинг ўзи сиз, оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, ватанимиз раънақи ва фарзандларимиз камолоти каби буюк вазифаларни

қўймоқда. Дунё ахборот оламида глобаллашув жараёни кучайиб бораётган ҳозирги шароитда миллий матбуотимиз янада фаол бўлиши, халқимизни турли гоёвий таҳдидлардан, миллий тафаккур тарзимизга ёт ақидалардан ҳимоя қилиш, жамиятимиз миллий истиклол мафқурасининг шаклланишида алоҳида ўрин тутуши, маънавий ҳаётимизнинг ва муқаддас қадриятларимизнинг мустаҳкам ҳимоясига айланиши лозим.
Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сичат-саломатлик, ғайрат-шижоат, хонадонларингизга тинчлик-омонлик тилайман.
Ҳақоний сўз, теран тафаккур ва илҳом доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



КАСБ БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

КЕЧА
Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

Шу кунни журналистлар, матбаа ва нашриёт соҳаси ходимлари ўз касб байрамларини нишонлаш, энг яхши касбдошларини қутлаш, бир-бирларини табриклаб, огир ва масъу-

лиятли ишда ҳамкасбларига муваффақиятлар тилаш мақсадида катта ягона оила сифатида боғга йиғилишди.
Шуни айтиш керакки, журналистлар фаолиятида дам олиш кўнлари бўлмайди. Зеро, матбуот соҳаси ходимлари доимо масъулиятли юмушларга ўзларини тайёр ҳисоблаб, жамият ва давлат тақдирини учун шахсий ва юқори касб жавобгарлигини чуқур ҳис этадилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Матбуот ва омма-

вий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди. Айтиш жоизки, муштақиллигимизнинг илк давридақ Юртбошимиз матбуот ҳақида тинимсиз ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида халқимизни турли ёт гоёвий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, миллий истиклол мафқурасининг шаклланиши бора-бора матбуот ходимлари зиммасига муҳим вазифаларни юклайди.


Журналистик касбининг энг юқори тавсифлари тўғрисида сўзлар шу кунни кўплаб табриқлар, чиқишлар, мукофотланганларнинг миннатдорчиликларидан жанангладди. Мукофотлар ҳам мўл бўлди. Зеро кўп сонли меҳмонлар — ҳокимликлар, турли жамғармалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва оммавий ахборот воситалари фаол ҳамкорлик қиладиган

бошқа ташкилотлар «тўйга тўёна билан» деганларидек, байрамга қуруқ келишмади. Байрам тадбирида шунингдек, Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда Мирзо Улуғбек номидаги боғда ташкил этилган байрамнинг бош ташкилотчиларидан бири — Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши журналисти» республика танловининг ғолибларига ҳам мукофотлар топширилди.

Кейин эса санъат усталари ўзларининг жозибали чиқишлари орқали оммавий ахборот ва матбуот соҳаси ходимларини кизгин табриқлашди. Барча аттракционлар болажонлар кизматига бўлди. Байрам оммавий халқ сайлига айланиб кетди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мелибоев, Президентнинг Матбуот котиби А. Зиев қатнашдилар.

Ўз муҳбири:
СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.
Сергей Любич олган суратлар.



«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ»

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг яхши журналисти» аъъанавий танлови якунланди. Танловга матбуотимизнинг фаол жонқуярлари 1999 йилда яратган энг сара асарлар тақдим этилди. Уларда Ватанимиз истикболи, мустақиллик раънақи, ислохотлар муваффақияти, одамлар дунёқарашиди, кундалик турмушида рўй бераётган ўзгаришлар акс этирилган. Қўйидагилар йилнинг энг яхши журналисти деб топилди.

Қўлибека Раҳимбоева — «Саодат» журналининг бош муҳаррири ўринбосари

Людмила Мервинская — Ўзбекистон телевидениесининг рус тилидаги «Таҳлинома» дастури бошловчиси

Нарзулла Рашидов — «Халқ сўзи» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича муҳбири

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАРГА ҚЎЙИДАГИЛАР САЗОВОР БЎЛДИ:
Қўчкор Норқобил — «Ўзбекистон овози» газетасининг муҳбири

Каримжон Мухиддинов — «Овози тожик» газетасининг Фарғона вилояти бўйича муҳбири

Хатира Нурбаева — «Нурли жол» газетасининг масъул котиби

Намоз Саъдуллаев — «Фидокор» газетаси бўлим мудир

Ортикали Намозов — «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг муҳбири

Ўмрбой Ўталиев — «Эркин Қарақалпақстан» газетасининг муҳбири

Абдумалик Абдуллаев — «Андижоннома» газетаси бўлим мудир

Алижон Сафаров — «Ватанпарвар» газетасининг муҳбири

Ойбек Юнусов — «Спорт» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари

ДАВР САДОСИ БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНТИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1998-2000 йилларда қурилиш соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Дастурига мувофиқ, шунингдек, капитал қурилишга бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, қурилишга бошқарув тизимларини монополиядан чиқариш ва ихчамлаштириш пудрат ишлари бозорини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон сув ҳўжалиги қурилиш давлат концерни («Ўзсувқурилиш») тугатилди.

◆ Матбуотда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қўну ҳўжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қўнуни эълон қилинди.

◆ Фарғонада ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

◆ Бухоролик ғаллакорлар давлат омборлари 125500 тоннадан зиёд дон топишиб, бу борадаги шартнома режаларини бажардилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 38,5 центнерни ташкил этди.

◆ Ўзбекистон Миллий матбуот маркази-

да Матбуот ва оммавий ахборот воситалари қўни муносабати билан журналист талабалар ўртасида ўтказилган танлов якунлари бўлиб ўтди.

◆ Самарқанд шаҳрида Исроилнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва маданият марказлари ташаббуси билан «Қуддуси Шарифга юқоридан назар» деб номланган фотосуратлар кўргазмаси очилди.

◆ «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида навбатдаги бўлиб ўтган оқшом «Соғлом авлод — келахак пойдевори» деб номланди.

◆ Нуқсуда республика Давлат мулк қўмитаси билан Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамкорлигида семинар-кенгаш ўтказилди.

◆ Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қўни муносабати билан матбуот ходимларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги мустақиллигимизнинг тўққиз йиллигига бағишлаб ташкил этган Умумармия аскарлар қўшиғи фестивали якунланди.

◆ Халқаро Қураш Ассоциациясини ўзбек қурашини тарғиб қилиш, уни жаҳон майдонларига олиб чиқиш мақсадида халқаро семинар ўтказди. Унда дунёнинг 20 дан ортиқ давлатларидан таширф буюрган мутахассислар, дзюдо оламининг таниқли вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

ЖАҲОНДА

◆ **Кеча** Хиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандес расмий таширф билан

Москвага келди. 30 июнгача давом этадиган сафар чоғида у Россия Президенти Владимир Путин ва бошқа расмий кишилар билан учрашди.

◆ Женевада БМТ Бош Ассамблеясининг ижтимоий тараққиёт масалаларига бағишланган махсус сессияси очилди. Анжуман июнь ойи охиригача давом этади.

◆ **Кеча** Киргизистон парламенти президенти сайловлари муддати тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

◆ Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев расмий таширф билан Бельгияга келди.

◆ **Кеча** Малайзия пойтахтида Ислом ташиқоти конференциясига кирувчи ташиқ ишлар вазирларининг йиғилиши ўз ишини бошлади.

◆ Украинага уч кунлик расмий таширф билан келган Хитой халқ вакиллари йиғини доимий қўмитаси раиси Ли Пэн мазкур мамлакат раҳбарияти билан музокаралар ўтказди.

◆ Тарихчи-олим А. Антонов-Овсенко «Берия» сарлавҳали ҳўжатли китоб ёзди. Муаллиф Сталин-Берия қатагонларини бировдан эшитиб эмас, балки ўзи яхши биладиган шахс, чўнки унинг отаси машҳур инқилобчи бўлиб, 1938 йилда отилган, онаси қамоқхонада ҳалок бўлган, ўзи эса 13 йил ҳибсда сақланган эди.

◆ Сурия Халқ Кенгашининг парламент махсус қўмитаси мамлакат президенти лавозимига Башар Асад номзоди кўрсатилишига рўхсат берди.

◆ Миср Давлат хавфсизлик суди мамлакат парламентининг уч депутатини коррупцияда айбдор, деб топиб бир неча йилга қамоқ жазосига ҳўкм қилди.

Футбол «ПАХТАКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Мамлакат миллий чемпионатининг олий лигасида қатнашаётган жамоалар иккинчи давра учрашувларини бошлаб юборишди. Шу боис ҳам

Ўтган кўни

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонидида Ангреннинг «Семур» командасини қабул қилди. Раҳман Маталиев, Геннадий Шарипов, Соли Курбанов каби мамлакатимизнинг иқтидорли футболчиларини ўз сафига қабул қилган пахтакорлар учун ғалаба сув ва ҳаводек зарур эди. Ва севишли жамоамиз бу вазифани уқдалаб ўз ишқибозларини бу сафар хурсанд қила олди. Ҳисоб 2:1. Тўпларни пахтакорлардан Игорь Шкварин ва Александр Писаревлар меҳмонлар дарвозасига киритишга муваффақ бўлишди.

Пойтахтимизнинг яна бир вакили «Трактор» эса сафарда «Металлург» меҳмони бўлди. Аммо ушбу учрашув мезбонлар ғалабаси билан якунланди. Ҳисоб 3:1.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Сундиёна» — «Гуллистон» 0:1. «Дўстлик» — «Кимёгар» 2:0. «Навбахор» — «Темирўйччи» 5:4. «Самарқанд-Динамо» — «Зарафшон» 6:0. «Бўхоро» — «Қизилқўм» 2:1. «Нефчи» — «Андижон» 3:2. «Насаф» — «Сўрхон» 1:0. «Хоразм» — «Турон» 2:0.

Акбар Йўлдошев.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

ИМПОРТ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ОЛИБ КЕЛИШ ВА СОТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Импорт истеъмол товарлари сотишни тартибга солиш, савдонинг ташиқий шакллари ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, аҳолининг харид қобилиятини ошириш, истеъмол товарларига нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш ва нархларнинг сўний равишда оширилишига йўл қўймаслик мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Белгилангани, 2000 йил 1 июлдан бошлаб: савдо қорхоналари ялпи даромад солиғини даромадлиқ даражасига боғлиқ равишда табақалаштирилган ставкалар бўйича иловига мувофиқ тўлайдилар. Бунда ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш ҳар ойда, ўсиб боровчи якун бўйича амалга оширилади;

ўсимлик мойи, мол ёғи, қанд, шакар ва чой Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилганда акциз солиғи тўлашдан озод қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг лицензияларига эга бўлган истеъмол товарларини импорт қилувчи қорхоналардан хорижий валюта харид қилинганлиги, шунингдек, алмаштириш пунктларидан хорижий валюта харид қилинганлиги учун 5 фоиз миқдорда йиғим ундириш 2000 йил 1 июлдан бошлаб бекор қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳўзуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси:

савдо қорхоналари томонидан ялпи даромадга солиқ солишининг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминласинлар, бунда қўнуни бузувчиларга нисбатан амалдаги қўну ҳўжатларига мувофиқ молиявий жазолар қўласинлар;

2000 йил 1 июлгача импорт қилинадиган истеъмол товарлари нархлари устидан мониторинг олиб бориш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этсинлар, унга нархлар даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиб чиқиш ва истеъмол товарларига нарх белгилаш механизмининг такомиллаштиришга доир тақлифлар тайёрлашни юқласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 10 кун муддатда савдо қорхоналарининг ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибига мазкур қорардан келиб чиқувчи ўзгаришларни белгиланган тартибда киритсин, бунда, шунингдек, савдо майдонлари ижарага олинганлиги учун савдо қорхоналари даромадларига солиқ солиш бўйича имтиёزلарни назарда тутсин.

5. Белгилангани, 2000 йил 1 июлдан бошлаб жисмоний шахслар (ўзлари қатнаб олиб келадиганлар) томонидан республика ҳудудига тижорат фаолияти учун мўлжаллаб олиб келинадиган товарлардан йиғим амалдаги ставка бўйича божсиз олиб киришининг чекланган нормалари қўлланилмаган ҳолда ундирилади.

Жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига тижорат фаолияти учун мўлжалланмасдан олиб кириладиган товарлардан йиғим ундиришининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Импортни таърифлар билан бошқариш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 24 февралдаги 80-сон қарори билан белгиланган амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

6. Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2000 йил 1 июлдан бошлаб буюм бозорларида савдо жойи ижарага олинганлиги учун тўловнинг амалдаги ставкаларини 1,5 баравар оширсинлар.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган импорт истеъмол товарларини майда улғуржи ва чакана сотиш бўйича савдо маркази ташкил этиш ва уни «Чорсу» универмаги томонидан фойдаланилаётган бинага жойлаштириш тўғрисидаги тақлиф қабул қилинсин. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда савдо маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда турғун биналарда савдо қилувчи жисмоний шахслар учун имтиёزلар тизимини назарда тутсин.

8. Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уюштирилган савдонинг кенгайтириш ҳамда товар айланиши ҳажмида унинг улушини қўлайитириш бўйича комплекс чора-тадбирларни, шу жумладан қўйидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар:

юридик ва жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини амалга оширишлари учун мавжуд омбор ва савдо майдонларини, шунингдек турар жойга мўлжалланмаган фондаги бўш майдонларни қўллаб бериш;

юридик шахслар томонидан истеъмол товарлари билан улғуржи ва майда улғуржи савдо қилиш турғун марказлари ташкил этиш, шу жумладан уларга юридик шахс бўлмаган тадбиркорлар сифатида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслардан импорт товарлар харид қилиш ҳўқуқини бериш;

савдо қорхоналарини ер учун ижара ҳақи тўлашдан озод қилиш;

уюштирилган савдо тизимини омбор биналари ва савдо майдонларидан фойдаланганлиги учун ижара тўловининг буюм бозорларига нисбатан тадбиркорлар фаолиятининг иқтисодий жиҳатдан фойдаланроқ шарт-шароитларини таъминловчи имтиёзли миқдорларини белгилаш;

юридик шахслар, шунингдек турғун биналарда чакана савдони амалга оширувчи жисмоний шахслар учун қасса аппаратурини кредитта ёки лизинг шартларида сотиб олишга қўмақлашув.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига 2000 йил якунлари бўйича ахборот берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаъадор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўну ҳўжатларига мазкур қорардан келиб чиқувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов зиммасига юқласин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 24 июнь

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 июндаги 242-сон қарорига илова

УЛЎРЖИ ВА ЧАКАНА САВДО
ҚОРХОНАЛАРИНИНГ ЯЛПИ ДАРОМАДИГА
СОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИНГ
ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН СТАВКАЛАРИ

Даромад- лиқ	Қорхоналарнинг даромади олиги даромади (ялпи даромаднинг товар айланмасига нисбати, фоизларда)	Қорхоналар бўйича солиқ ставкалари (ялпи даромадга нисбатан, фоизларда)	
		шаҳар ва кўчалар жойларда- ги қорхоналар	узоқ ва тоғли туманлардаги қорхоналар
Фондга	20	20	15
Фонддан ортиқ	20	30*)	30*)

Изоҳ: ¹⁾ Ставка даромадлиқнинг белгиланган даражасидан ошувчи даромадларга нисбатан қўланади.



• ХАЛКИМИЗ БУЮК ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 9 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ АРАФАСИДА.
• БОСИБ ЎТИЛГАН ЙИЛЛАР БИЗГА НИМАЛАРНИ ИНЪОМ ЭТДИ?
• ОЛИЙ МАҚСАДЛАР САРИ БОРИШ ЙУЛЛАРИНИ ҚАНДАЙ ИЗЛАШ ВА УНИ ТОПИШ МУМКИН? БУ БОРАДА БИЗГА ЎЗ МИЛЛИЙ ТАРИХИМИЗ ВА УМУМИНСОНИЙ МАЪНАВИЯТЛАР КЎМАКЛАШАДИ. БУНИ ҚАНДАЙ ИДРОҚ ЭТАМИЗ?

Мавзунинг ўта теран, жиддий, шу билан бирга масъулиятли, маънавий бой муҳовидатдан келиб чиқиб, қатор саволлар қўйди. Ростини айтганда ҳар бир саволнинг ўзи алоҳида-алоҳида тадқиқ этишни талаб қилади ва ҳар бири ҳақида катта-катта назарий мулоҳазалар ёзиш мумкин. Бироқ биз ахборот воситаси имкониятига кўра биргина кичик ҳажмли мақолада юқоридagi саволларга баҳол қудрат жавоб беришга уриниб кўрамиз. Унда муайян нуқсонлар, маромига етмаган фикр-мулоҳазаларнинг бўлиши табиий. Ўйлашимизки, ҳамкасбларимиз кам-кустимизни тўлдирар... Ҳар йили сентябрь ойининг биринчи кунини—Ўзбекистон Мустиқлиғини катта тантаналар билан байрам қилиниши — кейинги 9 йил мобайнида одат тусига кириб қолди. Дунёда нима кўп, байрамлар кўп. Уларни санаб чиқиш ўзи бир олам иш. Аммо ҳар бирининг ўз ўрни, замини, илдиэлари, моҳияти, маънавий аҳамияти бор. Байрамлар одатда халқ ва миллатнинг тўб миллий маънавий манфаатларидан келиб чиқади. Тарихий аънавлари заминда шаклланади, ривожланади — шунинг учун ҳам халқ оммасининг эътиборини жалб этиб, ҳаммаша қорлаб туради. Агар шундай жозибаси бўлмаса, ўзига чиндан ҳам қизиқтириб торта бўлмаса, халқ оммаси самими ҳиссиётлар билан қатнашмайди...

Биргина мисол келтирамиз. — Ҳайитларимизни бир эсланг. Қайси бири неча асрлардан буён давом

БУГУННИНГ ҚАДРИ

«Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдеворини шакллантиришдан иборат».

Ислом КАРИМОВ

Нуқтаи назар

лако йўқотган эмас, ҳатто аҳамиятини оширган деса бўлади.

Қаранг: Ўзбекистон Молия вазирлиги Ахборот маркази маълумотида кўра, айрим вилоят ва шаҳар дўконлари текширилганда 500 дан 400 савдо ходими харидорлар ҳақида хиёнат қилгани аниқланган. Агар уларнинг қай биридан «Нима иш қилаясиз?» деб сўрасангиз «халқимизга хизмат қилишимиз, мустақиллигимиз туфайли ҳаётимиз фаровон бўлсин» деб жавоб қайтаришди. Бобомиз Амир Темурнинг «тил учид» деб айтилган гаплар билан «юрақдан айтилган» ҳақидаги мулоҳазалари шу эмасми? Нега юртимизда яратилган эркин савдонинг бузилишини жойлардаги раҳбарлар эмас, албатта вазирлик ходимлари кузатиб бориши керак? Ҳар соҳанинг мутахассислари бор-ку! Бундай ишбузармонлар чинакам ишбилармонларга фақат халал бериб келаётгани аниқ-ку! Ахир ҳақон микросидаги катта муаммолар ечимини ўйлаш, бошқа давлат раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳал этилиши мумкин бўлган масалалар Юрбошимиз зиммасида турса-да, ички ҳаётимизга хос баъзи камчилик-нуқсонлар жойларда ҳал этилмаса, бунга ким айбдор? Айрим ҳоқимлар ўз лавозимини суиистеъмол қилиб, тадбиркор ва фермерларга очикдан очик тўсиқ бўлаётгани ҳақида журналистлар озмунча маълумот бераётганлари йўқ. Аммо уларнинг айримлари охирига етмай қолаётгани оддий одамларнинг гашига тегади.

Бозорларимизни олинг. Уларнинг маҳобати, қўрқи, неъматларга тўлиб-тошиб ётиши — буларнинг бари бугунги кунимиз, Истиқлолимиз қудратининг ёрқин ифодаси. Уларда Вазирлар Маҳкамасининг ақидасига қабул қилинган қарори асосида тегишли тартиб ва адолат ўрнатилса — ҳаммамизга яна фойда бўларди. Аммо ҳали ҳам бозорларимиз Юрбошимиз ўйлаган, қўзлаган қиёфага эга бўлмайётганидан ачинасан, киши.

Одамлар ҳаммасини билади. Вақти келиб ҳаммаси юзага чиқмай қолмайди... Буюк Истиқлол байрами арафаларида ютуқлар билан бирга нуқсонларни ҳам санаб ўтиш зарар қилмайди. Хуллас, ҳаёт ютуқ ва нуқсонлар қоршамасидан иборат экан, тўсиқларни енгиб ўтишда бизга яна ўз тарихимиз, миллий ва умуминсоний қадрлар кўмак беради. Бу — маънавий ҳаётимизнинг етакчи йўналишидир. Биз юқориди Буюк Истиқлолимиз мобайнида эришилган ва эришайлаётган талайгина муваффақиятларимизни барисини санаб ўтолмаймиз, зеро унинг чеки йўқ.

Бироқ уларни яхлит ва лўнда қилиб Юрбошимиз «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавобларда шундай изохлаб бердилар:

«Мамакатимизда ўтган саккиз-тўққиз йил давомида ўта марказлашган ва яққоҳимлик асосида қурилган, ўзини оқламаган тизимга барҳам берилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш, унинг пойдеворини яратиш йўлида, янги тизимга мос бўлган тегишли амалий тадбирлар ўтказилди».

Таъбир жоиз бўлса, бу «ўта марказлашган» «яққоҳимликдан» қутулиб, бозор иқтисодиётига асосланган янги тизимга тинч йўл билан, аста-секин, инқилобий сакрашларсиз ўтишини йўл бўлаётгани йўқ. Дунёнинг қайси ҳудудига назар солсангиз — ҳаммаси «Бозор иқтисоди» демократик эркинликлар ҳақида бонг уради. Аммо бу шоярча чинакам амал қилинаётган мамлакатлар ибрат кўрсатаётган бир шароитда, сўзига ишлари тўри қўрсатаётган бошидан нелар кечаётганини — соғлом фикрларга қодир энг оддий ҳар бир киши ҳам яхши билади... То Истиқлолимизга «Бозор», «тадбиркор», «эркин савдо» иборалари шўролар ҳудудига коммунистлик мафкуранинг душмани сифатида қоралиниб, бу сўзни талаффуз этганлар жазоланмасмиди?!... Ҳозирчи, инсоният шу ибораларга амал қилмай яшай олмаслигини ҳаммамиз тўшуниб етдик. Бу ҳам Истиқлолимиз тафаккурининг бир муҳим йўналиши бўлиб қолди.

Ҳа, Истиқлолимиз ато этган ҳар бир неъматнинг қадрига етиш, эришган натижаларимизни мустақкамлаб бориш ўзимиз интилайган келажик буюк давлатни барпо этишимизни талаштириши аниқ. Шундай экан, ганимат ҳар бир фурсатни бой бермай, буюк мақсадларимиз йўлида тинимсиз изланиб, унумли меҳнатини, шижоатини билан Ватан, халқ ва миллат равақига муносиб ҳисса қўшарайлик. Ҳар биримизнинг бахтимиз, БУГУННИНГ ҚАДРИ ҳам ана шунда.

Аҳмад АЛИЕВ.



№6 (101) Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг иловаси

ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Бутун оламни ўраб олган атроф-муҳит, яъни ҳаво, сув, тупроқ ва ундаги табиий манбалар — юз минглаб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсиз инсоният тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, табиий манбалардан нотўғри фойдаланиш оқибатида аҳоли яшайдиган йирик шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофазаси қилишда жиддий хато-камчиликларга йўл қўйилиб, бир қатор экологик муаммоларни келтириб чиқаришга сабаб бўлимоқда.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида 2,5 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарда ҳаво ва сувнинг ифлосланиш даражаси кундан кунга кучаймоқда, ҳар кун 150 мингдан ортиқ автотранспорт воситалари ҳаракат қилиб, 65 тонна заҳарли газлар ва тўғулари очик ҳавога чиқаради. Бу ҳолат атмосфера ҳавосини 65 фоизгача заҳарлайди. Шунингдек шаҳар ҳудудидан 190 километр узунидаги очик сув ҳавзалари оқиб ўтади. Санор, Бўзсув, Қорақамиш, Бўржар, Дама-

рик, Қорасув каби бошқа сув ҳавзаларидаги экологик вазият ва санитария ҳолати мутлақо талабга жавоб берайди. Шаҳар аҳолиси ана шу очик сув ҳавзалари ҳисобида сугориш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириб келмоқда.

Шаҳардаги дам олиш ва истироҳат боғларидаги қўларнинг санитария ҳолати ундан фойдаланиш талаблари даражасида йўлга қўйилмаган. Шаҳарда бир ойда 77385 минг куб метр ичимлик суви фойдаланилади. Маълумки, ҳозирги даврда инсониятга энг кучли ҳавф туғдираётган экологик муаммоларнинг олдини олиш учун барча мамлакатларда кенг кўламли иш олиб боришмоқда. Уларнинг фаолияти алоҳида қонун билан қамолатланиб, муҳофазаси қили-

ниши йўлга қўйилган.

Аммо шунга қарамасдан, сув манбалари орқали тарқаладиган вабо ва бошқа ўткир ошқозон-ичак касалликлари аҳоли бошига катта қуфлат олиб келмоқда. Мамакатимизда унраб турадиган иббур, ичтерлама, сарик касалликлари асосан сувдан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиқаётганлиги эндиликда барчага аён. Ичимлик суви ва очик сув ҳавзаларида хонадонлардаги оқва сувларнинг чиқариб ташланиши юқориди қўқумли касалликларнинг кенг тарқалишига имконият яратиб беради.

Жойларда маҳалла ва қўчаларда сувдан фойдаланишга катта эътибор беришга эришиш кўп жиҳатдан маҳалла қўмиталари, даҳалар фаолиятига ҳам боғлиқдир. Улар ўз вақтида суви ифлосланиш-

дан сақлаш чораларини қўриб бурсалар, мақсадга мувофиқ иш бўлар эди. Шу ўринда шахримиздаги очик сув ҳавзалари, арик, қўларга чиқиндиларни ташлаш катта ҳавф туғдиришини қайд этиб ўтиш лозим.

Шаҳарда ўткир ошқозон-ичак касалликларини тарқатмаслик учун ҳоқимият органлари, маҳалла қўмиталари ва жойлардаги фаоллар аҳолини доимий равишда огоҳ қилиб туришлари лозим. Зарур ҳолларда санитария-эпидемиология станцияси, санитария милицияси табиий муҳофазаси қилиб турсалар яхши бўларди. Бу билан биз аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоя қилган бўламиз.

Хуллас, сувдан фойдаланишда ҳар бир фуқаро тозаликка эътибор бериши, уни ифлосланишдан сақлаш ҳар бир кишининг бурчига айланоми лозим. Ана шундангина биз вабо ва бошқа юқумли ошқозон-ичак касалликларни тарқатишининг олдини олган бўламиз.

—Туманларда

ТОЗА ҲАВО — ТАНГА ДАВО

Чилонзор туманининг умумий ер майдони 2998 гектарни ташкил этади. Туманда 65 та корхона бўлиб, ундан 26 таси атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи корхоналар жумласига қиради. Бу ерда умумий манбалар сони 579 та бўлиб, улардан фақат 143 таси газ-чанг юттич ускуналари билан жиҳозланган. Айниқса, атмосфера ҳавосини корхоналардан чиқётган қўйидаги зарарли моддалар ифлослантираётганлиги кузатишмоқда. Улар ҳисобига аэрозол бўғи, ҳар хил чанглар, (металл, пластмасса ва дарехт чанглари), заҳарли газ ва марганец қўқунларини киритиш мумкин.

Ўтган йили туманда атмосфера ҳавосига 230. 177 зарарли моддалар чиқарилганлиги ҳисобга олинган. Туманда қўллаб қорхоналар заҳарли моддалар инвентаризацияси ва чиқинди чиқариши мумкин бўлган чек-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиққан ва табиий муҳофазаси қилиш қўмитасининг рускатномасига эгадирлар. Ушбу корхоналар шаҳар табиатини муҳофазаси қилиш қўмитасига йиллик ҳисобот топшириш билан қиёяланмасдан, атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг микдорини камайтириш чора-тадбирларини ҳам ишлаб чиқиб, уларни ўз вақтида бажариб келмоқдалар. Бундай ҳизматлар учун туман корхоналари йил давомида ишлатиш учун 615 миллион сўм маблағ ажратилган. Шундай корхоналар жумласига «Совпласттал» қўшма корхонаси, «Темир-бетон буюмлари» корхонаси, «Газчиртранс» ҳиссадорлик жамияти ва «Автотеххизмат» корхоналарини киритиш мумкин.

Туманда шу вақтгача ечими топилмаган бир қатор ҳолатларни ҳам кўздан кечириш мумкин. Хусусан, қатор даҳаларга ҳар хил эълонларни пала-партиш осиб ташлаш, ирригация тармоқларини ифлослантириш, таъқиқланган жойларга чиқиндиларни чиқариб ташлаш, уларни ёқиб юбориш каби ҳолларда кўзга ташланади. Туманда 185336 та дарехт мавжуд бўлиб, уларни ноконуний йўл билан ўзбошимчилик қилиб кесиш ҳолатлари тез-тез учратиш мумкин. Шунингдек, бозорлар, автобуслар бекалариди чиқиндиларни тозалашда фаррошлар ушбу ахлатларни ирригация тармоғига чиқариб ташлаш ҳолатларини ҳам содир этишлялар.

Шу ўринда яна бир нарсасга эътибор бериш лозим. Тумандаги қўқичлик қўчаларга улуг инсонларнинг номи берилган. Масалан, Муқимий, Т. Дадашев, Т. Қодирйи, Ш. Исмоилов ва бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Албатта бу номларни биз яхши ният билан ўтганлар руҳини пок этиш учун танлаганимиз. Лекин шундай табаррук зотлар номи билан аталган қўчаларнинг ифлосланиши ва баъзи хонадонларнинг ўзбошимчилиги билан ушбу ҳудудларга ҳар хил чиқиндилар чиқариб ташланаётганлиги билан келишиб бўлмайди, албатта.

Қиссадан ҳисса шуки, ўз турар жойимиз ва атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймадик учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, биз яшаб турган туманимиз янада озода ва кўркам, аҳоли эса соғлом бўлар эди.

Махтуба УМАРОВА,
туман ноэири.



Табиатга ошно қалблар.

Текширувлар

ЭКОЛОГИЯ КУНДАЛИГИ

Тошкент шаҳар табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси нозирларининг жойларда олиб бораётган текширувлари натижасида табиат мусофқолиғига ҳописандлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари аниқланмоқда. Ва ана шундай ҳолга йўл қўйган кишилар жаримага топширилмоқда.

1. Тошкент шаҳар табиатни муҳофазаси қилиш қўмитасининг рускатисиз дарахтларни кесганлиги учун Тош.ИИТ кафедраси мудири Ю. Куликков 5250 сўм жаримага тортилди.
2. «Фотон» ҳиссадорлик жамияти корхонаси бўлим бошлиғи ўринбосари А. Чаевский автоуловлардан чиқётган зарарли моддалар микдорини ўз вақтида текширмаганлиги сабабли 3500 сўм жарима тўлашга мажбур этилди.
3. «Бахт-хизмат» ҳиссадорлик жамиятининг колонна бошлиғи М. Носиров ҳам автотранспорт воситаларидан чиқётган зарарли моддалар микдорини ўз вақтида текширмаганлиги сабабли 3500 сўм жарима тўлашга мажбур этилди.
4. 145-автокорхона бош муҳандиси Ибрагимов корхона назорат ўқовларидан нотўғри фойдаланиб, автотранспортларни носоз ҳолда ишга чиқаришга йўл қўйганлиги туфайли 5250 сўм жарима тўлади.
5. 14-қурилиш бошқармаси бош муҳандиси Х. Қурбонов эса ҳудуддаги маъиш чикиндиларининг ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини назоратсиз қолдирган. У бу ҳизмат учун 2000 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.
6. «Лочара-мак» корхонаси люминисцент лампалар қайта ишлашга топширилганлиги ҳамда сув муҳофазаси

- си қондалари бизилганлиги кузатишди. Ушбу нуқсонларга йўл қўйган муҳандис В. Ҳожинов 3500 сўм микдориди қўқичи пўқичагадиган тўлади.
7. 2-сонли давлат таёйрлов савдо корхонаси бош муҳандиси Р. Наимов ҳам 5250 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. У компрессор цехидан чиқётган аммиак чикиндиси меъёридан ортиб кетганлигига йўл қўйганлиги учун шундай «жазога» тортилди.
8. Собир Раҳимов тумани сув таъминоти ва оқва сув тармоғи бошқармасида автобусларни сақлаш жойида мойлар тўқилиши содир этилган. Шу туфайли табиий

- муҳитга зарарли таъсир кўрсатилди. Бошқарма бошлиғи В. Тожиевга 5350 сўм жарима солинди.
9. «Тара-Собир» корхонасида сув муҳофазаси қондаларининг бузилишига йўл қўйилган. Шу туфайли корхона бошлиғи Ф. Мадримов 5250 сўм жарима тўлади.
10. «Яккасарой» махсустраси авиакорхонаси директори А. Толипов зарарли чикиндиларни ҳавога чиқаришга йўл қўйганлиги учун 1750 сўм жарима тўлади.
11. «Саноатэнергия» корхонасида йилгили қолган люминисцент лампалари ўз вақтида чикиндига чиқариб ташланмаганлиги ва сувдан фойдаланиш қондаларига хилоф иш тутганлиги сабабли бош энергетик Н. Султонов 2 минг сўм ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи С. Ҳақимов ҳам 2 минг сўм жарима солинди.

Мушоҳада

ФАҲМ-ФАРОСАТ — ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

...Урушдан кейинги оғир йиллар эди. Мендан кейинги укам алоҳида жой қилиб олмаси билан бўлак бўлиб чиқди. Ака-укалар орасида биринчи бўлиб шу укам телевизорли, совутиччи бўлди. Бир кун укамникига совутиччини кўргани бордим. «Саратов» совутиччи экан. Кўрдим, хурсанд бўлдим. Ҳавасим келиб энди кўлимни узатиб эшигини очмоқчи бўлувдим:

— Ий-и, очманг, — деди укам. Мен унинг эшиги маълум вақтда очилиб ёпилиши керак экан-да, деб ўйладим.

Йиллар ўтди. Уша укам бу йил олтиш уч баҳорини кўрди. Укамда бизникига келиб:

— Ака, қараб турсан мен ҳам нуруний ёшга бориб қолибман, шу десангиз, боқувда иккита кўйимиз бор эди, бирини ҳозир сўйдириб ҳўзурингизга келаяман. Яқинда кўйи ака-ука, яқин қариндошлар йиғилишиб, марҳумларини эслашиб, дуою фотиҳа қилсак, деб сизларни айтгани келдим, — деди.

— Яхши ўйлабсан, арвоқлар маладор бўлсин, менинг ҳолим ўзингга маълум, янган албатта боради, — дедим.

Укам кетгач, хаёл уммонида сузим.

Қайси бир йили уруш қатнашчилари, ноғиронлар сикатгоҳида юрак касаллигидан даволанаётган вақтим эди. Биз ётган хонага ёши сақсонларга бориб қолган бемор ётқизилди. Чехрасидан нур ёғилиб турган акахонимиз — Маҳмад ака Гулматов ширинсўз, кўпни кўрган, пиру бадавлат инсон экан. Мен у кишидан деярли ўн ёш кичик бўлиб, дардим чекниб тетилашиб қолганим учун у кишига ёрдамлашиб турдим.

Орадан тўрт-беш кун ўтиб акахон ўзини анча яхши ҳис қила бошлади. Қараб турсан бир кун у киши ўтирган жойида чап қўл бармоқларини бирма-бир бўкиб нималариндир ҳисоблапти. Қулоқ солсам: «у келди, бу келди, фалончи ҳам келди», деб пичирляпти.

— Маҳмад ака, нималарни сарҳисоб қиласиз? — сўрадим у кишидан қизиқиб.

— Э, Жаҳонгирхон, билмадим бисмасим, йўқми, халқимизда «у» нимадир емадилар, тўйдилар, у дийдорлар емадилар тўйдилар, деган гап бор.

— Бунга қаранг, биринчи бор эшитаётганим, жуда аjoyиб, пурмаёно гаплар.

— Баракалла биз катта уруғ эмасмиз, шу боис бир-биримизнинг ҳолимиздан тез-тез хабар олиб дийдорлашиб тураемиз. Мен шу

уруғнинг каттасиман, шундай бўлгач, ҳолим сураб ким келдию, ким келмади дея... Лекин уни-буни олиб келсин демайман. Гап қўлидаги нарсалар эмас, гап меҳр-оқибатда, ҳурматда, инсон қадр-қимматида.

Орадан уч-тўрт йил ўтиб кўргилик экан, тўшакка михланиб қолдим. Ўзга бир кишининг ёрдамига муҳтож ҳаракатдан қилиб, тўшакда ётишнинг ўзи бўлмас экан. Икки оғиз ширин сўз билан кўнгил сураш нақадар азиз ва даркор эканлигини қалбим ҳис қилдим ва Маҳмад аканинг «уни-буни олиб келсин демайман», деган сўзларини эсладим. Кўпни кўрган отахон «Меҳр-оқибат пакет-пакет ноз-неъматлар билан ўлчанадиган нарсаси эмас» деган ҳақ гапига ишонч ҳосил қилдим. Аммо шундай бўлишига қарамай, укамнинг сўйиб-нимталаб қўйилган қўй гўштига кўнглим кетди.

Ўзингиз ўйланг, мен тўшакка михланган ноғирон бўлсам, укамнинг қилаётган эҳсонига қатнаша олмадим... Наҳотки, меҳр-оқибат, фаҳм-фаросат деган нарсаси кишининг ҳаёлига ҳам келмас. «Кўнглингизда оқибатни бошқароқ йўсинда адо этсанг бўлмасиди» деган фикр ўтди ҳаёлимдан. Ҳеч бўлмаганда тўшакда ётган ноғирон акам учун деб эҳсон учун атаб сўйилган қўй гўштининг бир бўлакқинасини ажратиб «насибангизни олиб келдим» деса бўлардику? Наҳотки, бемор жигарининг аҳолини тушунмас, ачинамас. Қани меҳр, қани оқибат, қани фаҳм-фаросат! Бундай қилинган эҳсонлар қабул бўлармикан, аввало ўз жигарини рози қилмас, кўнглини олмас?

Азизлар, мени таъмагирлик қиланти, деб ўйламанг, кўнгил экан-да. Қўйни сўйиб, қўйиб келганини эшитмаганимда бундай ҳаёлларга бормаган бўлардим. Нафсиламнинг айтганда меҳр-оқибат бўлгани билан фаҳм-фаросат бўлмас, унга зикрлик, ҳасиллик қўйилса оқибатда шундай ҳол юз берар экан-да.

Бир онадан турли хил фарзанд дунёга келди, дейилганда фарзандларнинг миқозу фазилатлари назарда тутилган экан. Бир пайтлари совутич эшигини отирмаган укамнинг ким эканлигини билмасмиди, билардим, лекин унинг фаросатсиз эканлигини афсусли билмаган эканман. Ўйлаб кўрсан фаҳм-фаросат меҳр-оқибатни тўдириб, бойитиб турадиган инсонларга хос фазилатлардан бири экан.

Азизлар, ўз яқинларимиз, дўстлару қариндошларимиз билан бори-келди муносабатларини фаҳм-фаросатла йўғрилган меҳр билан адо қилайлик.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ.



Бу йил ҳосил мўл бўлди.

Фестиваллар

«ХАМСА — 2000»

Ўзбекистон Тадбиркор аёллар уюшмасининг «Зумрад» маданият маркази бундан саккиз йил аввал вуҷудга келган бўлиб, унинг асосий фаолияти республикамиз санъатини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшиш ва ташвиқ этиш билан боғлиқдир.

«Зумрад» маданият марказининг шу йилнинг октябры ойи охиридаги ўтказиши мўлжалланган «Хамса—2000» биринчи халқаро фольклор мода фестивали пойтахтимизда бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги қўллаб-қувватлаши асосида ўтказилган ушбу фестивалнинг бош хомийси «Philip Morris management services b.v.» компанияси ваколатхонасидир.

Ҳозирги кунда фестивалда иштирок этувчиларни танаб олиш бошлб юборилди. Бу танлов ишига тажрибали мутахассислар — технолог, модельер, санъатшунос ва бошқалар жалб этилган бўлиб, фестиваль шартларига жавоб берувчилар сараланади.

— Бизнинг маданият марказимиз ўзининг ўтган фаолияти давомида мустақил диёримиз санъатининг ривожланиши ва оммала-

шувиға муносиб улуш қўшиб келмоқда, — дейди марказ директори Наталья Мусина. — Шу давргача 200 дан ортиқ ўзбек санъатига бағишланган турли кўргазма, анжуман, тақдиротлар ўтказдик. Аънавий ҳунармандчиликка бағишланган кўргазмалар, миллий матолар асосида яратилган либослар намоишларини ҳам ташкил этдик. Халқаро фольклор мода фестивалини эса илк мартабда ўтказяимиз ва унинг муваффақиятини таъминлашга куч-қўйратимизни, имкониятимизни сарф этамиз.

Шуни айтиб ўтиш керакки, мамлакатимизда замонавий мода билан уйғунлашиб кетган миллий кийим-кечакларни яратиш ҳам ривожланмоқда. Зеро, IX асрдан бошлаб Европа ва Осиё мамлакатларида аънавий ўзбек абрли матолари машҳур ва кўпчиликка манзур бўлган. Бу-

гунги кунда ҳам қўлда тўқилган аънавий ўзбек матолари Форбей Европа мамлакатлари етакчи модельерлари коллекцияларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Модельерлар кийим-кечаклар дизайнида Шарқ аънавларидан ҳам фойдаланишга катта қизиқиш билан қараётган бўлиб ўтадиган фестивалда ҳам ўз аксини топиши, шубҳасиз.

Фестивалнинг «Хамса—2000» деб номланишига келсак, бу «бешлик» маъносини бериб, унинг иштирокчилари бўлган модельерлар беш номдаги ўз модларини кўрсатадилар. Унда нафақат ўзбекистонлик, балки Озарбойжон, Бангладеш, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Малайзия, Россия, Украина, Швейцария, Германия, Франциядан келган модельерларнинг қатнашиши режалланмоқда.

Фестивалга тайёргарлик ишлари эндиғина бошланди, ҳадемай унинг юксак суръат олишига шубҳа йўқ. Чунки илк бор ўтказилаётган фольклор модасига бағишланган халқаро фестивал республикамиз маданият ҳаётида ўзига хос ёрқин соҳифа бўлиб қолади.

Шарифа ИЛЁСОВА,
Дилафруз УМАРОВА.

ШАРҚ ДУРДОНЛАРИ

ОЗ-ОЗ ЎЎНАЙДИ ДОМО БЎЛАВ...

● ХИКАМАТ. Бузургмехрдан: «Дунёда инсон учун қидирса топиладиган нарсаси нима?» — деб сўрабдилар. У «Ақл», — деб жавоб берди. Яна сўрабдилар: «Ақлнинг қадри нима?» У айтди: «Инсонда ақл бўлмаса одамлар уни қадрлармиди!» Байт:

Билим дарёсининг гавҳари ақл.

Оз бўлса ҳам ундан етар кўп фойда!

● Одамларга ҳурмат кўзи билан боқмоқ ва раҳм кўзи билан қарамоқ ақллилик ва донолик белгисидир.

Яхши назар билан қара ҳар кимга,

Либоси чиройли ё ҳунук дема!

● Ақл либосидан бебаҳра одам ҳайвон билан тенг. Байт:

Подоб хато қилса раводир унга,

Чунки у ҳақиқий йўлни билмайд.

Ҳайвондан минг марта ёмонроқ ҳар ким,

Йўлни билиб унга амал қилмайд!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.

● Луқмони ҳақим айтди:

— Киши ақли шараф ва улғулик асосидир! Кимнинг ақли кўп бўлса айблари яширин ва дўстлари эса ундан рози бўлади.

● Халифа Мансур ўз ўғлига деди:

— Эй, ўғлим, мендан икки нарсаси ўрган, бу нарсалар ҳаётингга керак бўлади. Биринчиси, шулки, нима иш қилсанг, аввал роса ўйла, кейин ҳукм чиқар. Иккинчиси шулки, нима ишга қўл урсанг, аввал уни йўлга сола оладиган ёки қувватини қайтара оладиган чора-тадбирини кўриб қўй! Бир ҳақимнинг айтишича, яхши хулқнинг ўнта белгиси бор. Улар қуйидагилардир: ақл, инсоф, илм, ҳилм, олижаноблик, кўркам феъл, эҳсон, сабр, шукр ва мулоимлик.

● Арслон ўз қуввати ва шижоати билан овқат қилиб, кун кечиргани каби инсон ҳам қайда бўлмасин ўз ақли билан кун кечиради. Агар кишида молу дунё бўлса-ю ақл бўлмаса қадру қиммати ҳам бўлмайди.

Ақлнинг аломати қамтарлик, аҳмоқликнинг белгиси эса талаббурликдир.

«Фаовкиҳ ал-Жулоса»дан.

● Бузургмехрдан сўрадилар: «Одам учун энг бебаҳо нарсаси нима?» Айтди: «Ақл!» Яна сўрадилар: «У бўлмасачи?» Айтди: «Одоб ва ахлоқ!» Сўрадилар: «У ҳам бўлмасачи?» Айтди: «Кўркам хулқ». Сўрадилар: «У ҳам бўлмасачи?» Айтди: «Бойлик». Чунки бойлик билан яхшилик қилиб, ҳар турли тоифалар ичида тинч яшаш мумкин». Яна сўрадилар: «У ҳам бўлмасачи?» Айтди: «Жимлик» одат этиш, чунки жим туриш билан айблар очилмайди ва ўзгалар танасини ва маломатини эшитмайди». Сўрадилар: «У ҳам бўлмасачи!» Айтди: «Чақмоқ ва яшин яхши, чунки юқоридаги шунча хислатлардан бирортаси бўлмаган одамнинг чақмоқ ва яшин ўти остида ўлгани маъқул!»

● Эй, азиз, билгинки, шижоат барча фазилатларнинг онасидир. Кимда шижоат бойлиги бўлса унда хилма хил фазилатлар бўлади. Шижоатли кишини барча яхши кўради. Шижоатли киши жангда ҳам душман дилига ваҳима солади, бошқаларни эса олға юришга илҳомлантиради. Шейр:

Кўн юрак бўлса агар ҳар киши,

Жанг бўлса қочини ўйлашдир иш!

Журъат қамарини боғласанг ҳар дам,

Мардлар ичра бўлур сенинг номинг ҳам.

Абулбаракот КОДИРИЙ.

● Азизим, беақл киши шундай кишики, жанг вақтида сулҳ тузишни истайди, тинчлик пайтида эса жанг қилишни хоҳлайди, тинчлик пайтида эса жанг қилишни хоҳлайди, қаҳрини сочиш лозим бўлган пайтда лутфу қарам эшигини очади. У оқилларнинг мана бундай деганини билмайди:

Бемаорид ҳақму сулҳ фойдасиз, шён,

Гулга гул бўлгани тиконга тикон!

Ёки:

Тинчлик истасалар тинчликдан кечма,

Жангга талаб илса юз буриб қочма!

● Азизим, поклик бу шундай ҳислати, шахват ўти ғолиб келганда унинг жиловини ғайрат билан қўлга олинадиган ва покиза этакни ҳаром ишлар лойи билан бўлғатилмайди!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.

● Инсоннинг қўли қисқа бўлса тили узун бўлади. Мушукни кўрмайсанми, итдан ожиз келганда унинг юзига чанг солади.

Яхши одамнинг тийбатчилари кўп бўлади:

Ҳаҳонда бир қизик қонда юрак,

Бол тутган ҳар қўлга ари нисх урар.

Яна ҳазинлар бўлмас илосиз,

Гуллар эса бўлмас асло тикансиз!

● Ҳазаб шундай бир оловки, у ўз соҳибини ёндади.

Жавобнинг юмшоғи ғазабни сўндиради, сўзнинг қаттиғи одамни ўлдиради.

«Аталар сўзлари»дан.

● Эй, ўғил, ҳунарсиз, дангас ва ишқмас кишилар билан улфатчилик қилма, уларнинг таъсири сенга ҳам уради, дангасларнинг доимий фикри ўйи ишламасдан катта ёйиш, яхши кийинишдир. Улар беҳуда сўзлашни, вақтни хуш ўтказиш, танини семиртиришни ўйлайдилар. Семиз кишининг эса дил кўзи бекилган бўлади, доимо ором топишни ўйлайди, кўп еб семиртишни ўйловчи кишиларни донолар «ҳайвон тарбияли кишилар» дейдилар.

● Ўзгалардан тама билан нарсаси тиламоқ кишини танбалликка олиб келади, иззат-обрўни кетказида, охири кишини бахтсизлик кўчасига олиб келади, кишини шармисор қилиб, назардан қолдиради. Дангас ва пасткаш кишилар билан улфат бўлишнинг натижаси шулардир. Демак, сен қулониғига қўйиб олқи, паст қимматли кишилар ва ҳасис табиатли одамлардан узоқлашиш йўлини кидир, улар билан яқинлик қилма, уларнинг таъсири сенга уради!

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ.

Махмуд ҲАСАНИЙ таржималари.



Кувноқлар даврасида.

Фавқуллодда ҳодисалар

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ САБОҚ БЎЛСИН

«Табиатнинг алоҳида олинган у ёки бу ҳодисалари қачон бўлиши вақтини мўлжаллаб аниқ билган одам учун ҳеч қандай хавф бўлмаган бўлур эди. Одатда қачон содир бўлиши номаълум бўлган фавқуллодда вазиятни фақат тахминлаш ва баҳорат қилиш мумкин» Табиий ҳодисалар ичида энг даҳшатлиси, энг кўп моддий ва ижтимоий зарар етказувчи катта ҳудудларда содир бўладиган зилзилалардир. Ҳар йили ер озида турли кунга эга бўлган юз мингдан ортиқ ер силкинишлари қайд этилади. Мамлакатимиз жойлашган Марказий Осиё минтақасида қачонки ўз йил ичида 30 га яқин кунли ер силкинишлари қайд этилган бўлиб, унда юз минглаб кишиларнинг қурбон бўлганлиги, катта-катта шаҳарлар ваёронга айлангани бизга тарихдан маълум. Мамлакатимиз ҳудуди тарихи ҳам зилзилаларга жуда бой бўлган. Масалан: Эрамининг биринчи минг йиллиги ичида содир бўлган Буҳоро ва Фарғона ёки 1966 йил Тошкент, 1976 йил Газли, 1984 йил Поп, 1989 йил Ҳисор ва бошқа ҳудудларимиздаги, айрим ҳолларда аниқли оқибатларга олиб келган зилзилалар турғисидаги маълумотлар мавжуд. Бу зилзилалар халқ ҳўжалиғига жуда катта миқдорда моддий зарар етказган, бир неча юз минглаб одамларнинг ўлимларига ҳам сабаб бўлган. 1966 йил 26 апрел тоғида содир бўлган зилзила тошкентликлар ва Тошкент меҳмонлари бошларига катта қулфат келтириб икки миллион квадрат метрдан зиёд турар жой, мингдан ортиқ маъмурий, сановат, мактаб бинолари, тиббиёт,

мактабгача тарбия ва бошқа турдаги муассас ва ташкилотлар биноларининг вайрон бўлишига сабаб бўлган. Тошкент зилзиласидан кейин ўтган 34 йиллик давр ичида халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳуқор ҳамкорлик, бегараз ёрдам туғайли Тошкент қайта қад постлаб шу даражада ўзгариб кетдики, уни зилзиладан аввалги манзара билан қиёслаб бўлмайди. Тошкент ҳозир дунёдаги ривожланган энг йирик 100 та шаҳарларнинг 44-сидир. Тошкент шаҳри айниқса Му-стакиллик йилларида мисли қўрилмаган даражада тез ривожланди. Миллий меъморчилик аънавалари асосида қад кўтарган муҳташам турар жой, маъмурий бинолар, ра-во кўчалар, ҳибонлар, дам олиш масканлари, боғлар сайилгоҳлар шахримиз ҳу-суни ҳўш қўшиб турибди. Шу ўринда халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати билан яратилган моддий ва маънавий бойлиқларимизнинг, айниқса халқимиз саломатлигини, ҳаётини турли табиий офатлардан, айниқса катта қулфат келтирувчи зилзилалардан муҳофаза қилиш чора-тадбирларини, ундан етадиган зарар миқдорини қамайтириш, бундай вазиятларда аҳолининг ҳаёт-ҳаракатлари нисбатлардан иборат бўлиши кераклигини ва бундай ҳо-дисида юз берганда қўрилиш зарур бўлган эҳтиёт чоралари ҳақида тўхталиб ўтиш урини бўлади, деб ҳисоблаймиз. Аввало аҳолини зилзиладан огоҳлантириш ва юз берган-

да оқибатларини қамайтириш бу борадаги фаолиятимизнинг асосий мазмунини ташкил қилади. Ҳозирги замон сейсмик районлаштириш ҳаритасига кўра Тошкент шаҳри 8-9 баллик сейсмик минтақага жойлашганлигидан ҳар бир фуқаро хабардор бўлиши, шунга руҳан, маънан қўнма ҳўш қилиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрдаги 558-сон-ли «Ўзбекистон Республика-си Фавқуллодда вазиятларда уларнинг олдинчи олиш ва ҳаракат қилиш давлат тиз-ми тўғрисида»ги Қарорига кўра Ўзбекистон Республика-си Фанлар академияси ва Фа-вқуллодда вазиятлар вази-рлиги Республикада Давлат сейсмик хизматини яратиш вазифаси топширилган. У-нда кўзланган мақсад сейс-мологик тадқиқотлар соҳа-сидаги ишларни тўбдан яхши-лаш, жўмладан таянч сейс-мик станцияларни замонавий рақамли меъморик станциялар билан жиҳозлаш, сейс-мик маълумотларни узатуви тез-кор алоқа қаналини ишлаб-чиқариш ва ишга тушириш ҳамда бошқа бир қатор та-дбирларни амалга ошириш та-лаб этилади. Тошкент зил-зиласидан кейин ташкил топ-ган Тошкент сейсмология ин-ститутининг таъмал тоши 1901 йилда ўз замонасининг биринчи даражада асбоб — ускуналари билан жиҳозлан-ган ер силкинишларини рўйхатга олиш сейс-мик стан-циясининг очилиши билан қўйилган эди. Ушбу станция

деярли бир аср мобайнида шаҳар қурилиши меъёрлари ва қондалари талаблари асо-сида зилзилабардош турар жой бинолар, иншоотлар қурилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса ушбу ташкилотнинг 1966 йилда Тошкентда содир бўлган зилзиладан кейинги фаолияти ҳаммага маълум.

Шаҳар қурилиши, турар жой бинолари, иншоотлар қурилишида амалдаги меъ-ёрлар ва қондаларга риоя қилиш, зилзила оқибатлари-ни қамайтириш муаммосига етарли аҳамият бериш мақ-садида Бирлашган Миллат-лар Ташкилотини 1990-2000 йиллар оралиғида ер силки-нишлари бўйича хавф-хатар-ни қамайтириш халқаро 10 йиллиги деб эълон қилган. Шу давр ичида бир қатор мамлакатларнинг марказий шаҳарлари тендер асосида халқаро «РАДИУС» лойиҳа-сини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдилар. «РА-ДИУС»-ни дастур бўйича тўла жорий этиш имкония-ти берилган энг яхши беш-та — Аддис-Абеба (Эфио-пия), Гуаякилем (Эквадор), Тихуана (Мексика), Зигонг (Хитой) шаҳарлари қатори-га мамлакатимиз пойтахти Тошкент ҳам кирган.

1966 йили Тошкентда со-дир бўлган қаттиқ зилзила-дан сўнг шаҳарда бунёд этилган бинолар ва иншо-отларнинг зилзилабардош-лигини таъминлаш ва зил-зила юз берганда унинг оқибатларини қамайтириш бўйича пойтахтимиз ўз фа-

олиятини «РАДИУС» дасту-ри асосида тўла иш олиб-борувчи шаҳар сифатида тақдирланганлиги бежиз эмас.

Мамлакатимизда ва дунё-да рўй бераётган табиий хо-дисалар ҳамда уларнинг оқибатларини чуқур таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, аҳолининг бундай ҳодисалар-га олдиндан руҳан, маънан ва жисмонан тайёргарлик қилиш муҳим аҳамият касб-этади. Мамлакатимиз ҳудуди-да юз бериши мумкин бўлган барча табиий ҳодисалар, уларнинг пайдо бўлиш сабаб-лари ва таҳмин қилинаётган оқибатлари ҳақида фуқарола-римиз етарли билим, тажри-ба, қўнмага эга бўлиши ни-ҳоятда зарур. Бу содир бўли-ши мумкин бўлган турли ба-ло, офатлар олдида инсон оқиллиғига чек қўяди, уни дадил ва аниқ ҳаёт-ҳаракат-лар қилишига ундайди.

1966 йил 26 апрелда со-дир бўлган Тошкент зилзи-ласи сабоқлари шаҳар қури-лиши, яқка тартибда турар жой бинолари қурилишида иссиқлик, сув таъминоти ер-ости йўллари каби ҳаётни таъминловчи муҳим иншо-отларни қуришда амалга ошириладиган қурилиш-йи-ғиш ишларида хато ва кам-чиликларга йўл қўймаслик, уларнинг зилзилабардош-лигини, сейсмик хавф-сиз-лик меъёрларининг ба-жарилишини таъминлаш учун уларнинг устидан на-зоратни қўнайитириш зарур-лигини кўрсатади. Тошкент зилзиласи оқибатлари са-

боқ бўлиши ва ҳаммани ҳўшёрликка қорлаши ло-зим.

Турар жой биноларини қуришда ота-боболари-миз фойдаланиб келган сингли ёки меъёрига ет-казиб соз тўпурқдан қилинган лойи яхши пи-шитиб тайёрланган паҳса деворлар ва сомони лой сувовлар ўзини оқлади.. Кўп йиллик қулатишларга кўра бундай бинолар зил-зилага бардошли бўлиб-унда яшовчиларнинг ҳаёт-ларини кафолатлайди.

Ҳозирги кунда шаҳар қурилишида ва ҳўсусий биноларни қуришда, қури-лиш меъёрлари ва қонда-ларига амал қилинса, қурилган биноларнинг зилзилабардошлиғи ўз-вақтида назоратдан ўтка-зиб турилса, эҳтимоли бўлган зилзилаларнинг салбий оқибатлари бир-мунча қамайитирилган бўлур эди.

Энг муҳими, зилзила содир бўлганда, одам ҳам еру замин билан бирга қурилишиб силкиниши, тебраниши мумкин, аммо зинҳор ва зинҳор ваҳима-га, саросимага тушмасдан, ақл-идроқ билан аниқ, дадил, қатъий ҳаракатлар қилмоқлик лозим ҳолос. Бўёғини Оллоҳнинг ўзи асрасин. Лекин Оллоҳ ҳам асраганини асрайди. «Ким-ки қилса ҳаракат, Оллоҳ бергай баракат» деб бе

